
Учкўприк туманида 50 ўринли янги нодавлат мактабгача таълим ташкилоти иш бошлади

Учкўприк туманида 50 ўринли нодавлат мактабгача таълим ташкилоти иш бошлади. Янги боғчанинг очилиш маросимида туман ҳокими ва ўринбосарлари, жамоатчилик вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Учкўприк туманида ҳам мактабгача таълим масканларини кўпайтириш учун оиласи, нодавлат ҳамда давлат-хусусий шериклик асосидаги боғчалар ташкил этилмоқда.

Натижада туманда мактабгача таълим ташкилотлари сони ва болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражаси йилдан йилга ортиб бормоқда.

“Бегмурод” маҳалла фуқаролар йиғинида давлат-хусусий шериклик асосида “Юлдузча” нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ташкил қилиниб, 50 нафар болажонлар мактабгача таълимга жалб этилди.

Янги мактабгача таълим муассасасида кичкин тойларнинг сифатли бошланғич таълим олишлари учун зарур шароитлар яратилган. Яқин кунларда тарбияланувчилар сонини 100 нафарга етказиш кўзда тутилган.

2023-08-05 14:01:32